

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING
ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН
КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ БЎЙИЧА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ
БОШЛАНИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловни сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, сайловчиларнинг хоҳиш-иродасига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига тўла мувофиқ ҳолда ўтказиш мақсадида “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги, “Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов – 2017 йил декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида, яъни 2017 йил 24 декабрь куни ўтказилсин.

2. Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси жорий йилнинг 23 сентябридан бошланиши эълон қилинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича барча ишлар жойлардаги сайлов комиссиялари томонидан сайлов тўғрисидаги қонунчиликка, халқаро умумэтироф этилган демократик принциплар ва стандартларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2017 йил 30 июнда қабул қилинган “Тошкент шаҳрида халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказиш бўйича ташкилий чоратadbирлар тўғрисида”ги 835-сон қарорига мувофиқ қатъий амалга оширилади.

Сайлов комиссиялари ўз фаолиятини мустақил ҳолда амалга оширади, ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг улар фаолиятига аралashiшга йўл қўйилмайди.

4. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши 2017 йил 3 октябрга қадар Тошкент шаҳри халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов

ўтказувчи туман сайлов комиссияларини тузсин, сайлов округларининг сони белгиланишини таъминласин.

5. Тошкент шаҳри халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссиялари:

– 2017 йил 10 октябрга қадар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов округлари рўйхатини, уларнинг чегаралари ва сайловчилар сонини кўрсатган ҳолда эълон қилсин;

– 15 октябрга қадар округ сайлов комиссияларининг шахсий таркибини тасдиқласин;

– 25 октябрга қадар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов участкалари рўйхатини, уларнинг чегаралари ва сайловчилар сонини кўрсатган ҳолда эълон қилсин;

– 12 ноябрга қадар сиёсий партияларнинг туман кенгашлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан халқ депутатлари туман Кенгашларига депутатликка номзодларнинг ҳужжатларини қабул қилсин;

– 14 ноябрга қадар участка сайлов комиссияларининг шахсий таркибини тасдиқласин;

– 19 ноябрга қадар халқ депутатлари туман Кенгашлари депутатлигига номзодларни рўйхатга олсин.

6. Тошкент шаҳар туман ҳокимликлари 2017 йил 10 октябрга қадар туман сайлов комиссияларига сайлов участкаларини тузиш бўйича тақдимномалар киритсин.

7. Тошкент шаҳридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари 2017 йил 13 октябрга қадар округ сайлов комиссиялари аъзолигига номзодларни, шунингдек, 10 ноябрга қадар участка сайлов комиссиялари аъзолигига номзодларни туман сайлов комиссияларига тавсия этсин.

8. Белгилансинки, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

– сиёсий партиялар 2017 йил 15 октябрга қадар сайловда иштирок этиш учун тегишли ҳужжатларни туман сайлов комиссияларига тақдим этишлари лозим;

– Тошкент шаҳри халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлигига номзодлар кўрсатиш 2017 йил 20 октябрда бошланади ва 9 ноябрда тугалланади;

– Тошкент шаҳри халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан хужжатлар қабул қилиш 2017 йил 12 ноябрда тўхтатилади, номзодларни рўйхатга олиш 2017 йил 19 ноябрда тугайди;

– сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади ва 2017 йил 22 декабрда тугайди. Сайлов куни ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмайди;

– манфаатдор ташкилотлар ўз кузатувчилари тўғрисида Тошкент шаҳри халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларига 2017 йил 9 декабрга қадар маълум қилишлари лозим;

– овоз бериш 2017 йил 24 декабрда соат 6 дан соат 20 гача ўтказилади.

9. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 августдаги № 630-сон қарорига мувофиқ “Электрон ҳукумат” тизими доирасида 2017 йил 24 декабрь куни бўлиб ўтадиган Тошкент шаҳри халқ депутатлари туман Кенгашига сайловлар давомида тажриба тартибда ҳукукий эксперимент сифатида сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ахборот тизимини шакллантириш ва юритишни таъминласин.

10. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши шаҳар ҳокимлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан биргаликда Тошкент шаҳри халқ депутатлари туман Кенгашига сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича харажатлар сметасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

11. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашига сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кенг ёритиш мақсадида ягона матбуот марказини ташкил этиш, ҳамда ягона веб-сайтни яратиш, шунингдек, сайлов комиссияларини ягона компьютер тармоғига улаш чораларини кўрсин.

12. Тошкент шаҳар ва туманлар ҳокимликлари барча даражадаги сайлов комиссияларини зарур хоналар, транспорт, компьютер, интернет, алоқа ва сайлов ўтказиш учун керакли бўлган воситалар билан таъминласин.

13. Тошкент шаҳридаги сиёсий партияларнинг туман Кенгашига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари халқ депутатлари туман Кенгашига депутатлигига номзодлар кўрсатишни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2017 йил 11 августда қабул қилинган

843-сон қарори билан тасдиқланган Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимидан бўшаш тўғрисида ариза бериши шарт бўлган ҳокимият ижроия органларининг мансабдор шахслари рўйхати ҳамда 844-сон қарори билан тасдиқланган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш тартиби бўйича услубий тавсияларга тўла мувофиқ равишда амалга оширсин.

14. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

15. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари К.Адилов ва Котибият раҳбари С. Курбонкуловлар зиммасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. Абдусаломов

*Тошкент шаҳри,
2017 йил 15 сентябрь,
№ 849.*